Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 25 сентябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 76 (7169)

## Da'vat

**Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-моддасидан.**

## Ibrat

**Янги ўқув йилида Наманган саноат касб-ҳунар коллежи талабалари янгиланган ўқув ва ётоқхона биноларига эга бўлдилар. Шунингдек, ўқув масканида янги қурилиб, фойдаланишга топширилган спорт зали, ошхона ва устахона ҳам шинамлиги билан ёшларга манзур бўлди.**

# САЙЛОВЛАР – ХАЛҚ ХОҲИШ ИРОДАСИ

Айни кунларда сайлов олди жараёнлари қизғин тус олди. Тайёргарлик ишлари асосан Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкиллаштирилиб, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда белгиланганлек олиб борилмоқда. Яъни Марказий сайлов комиссияси сайлов тизимининг демократик тамойилларини амалга ошириш, сайловчиларга ўз хоҳиш иродасини эркин билдириш имкониятини яратиб бериш йўлида фаолият кўрсатаяпти.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган партиялар — «Адолат» социал-демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис ҳамда Президент сайловларида қатнашиш учун рухсат олди.

Сайловлар ва улар билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш, журналистларнинг бу борадаги ишларига кўмак бериш мақсадида Марказий сайлов комиссияси қошида Матбуот маркази ташкил этилди. Ушбу марказ маълумот олиш, ҳамкорлик қилиш, махсус ҳужжатлар, кутубхона, компьютер ва алоқа тармоқларидан фойдаланиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида сайлов тизимининг ошкора ва демократиклиги муҳим аҳамиятга эга. Ўтказиладиган сайловларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунлар асос бўлади. Ўз навбатида, ушбу қонунлар сайловларнинг умумийлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилик, бевоситалик, адолатлилик ва овоз беришда яширинлик принципларини ўзида мужассам этган. Бундан ташқари, сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари қатори сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ҳам Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида 100 нафар сайловчилардан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага ташаббускор гуруҳ аъзоларининг рўйхати, фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган жойи ва санаси, яшаш жойи, паспорт номери ва серияси, шу гуруҳ йиғилишининг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисидаги қарори, номзодга ишонч қоғози қонунда кўзда тутилганидек илова қилинади.

> *Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.*
>
> **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасидан.**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳозирда Олий Мажлис депутатлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш бошланмоқда.

22 сентябрь куни Тошкентда «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг иккинчи қурултойи ўтказилди. Қурултойда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан делегатлар иштирок этди. Унда ФМДПнинг сайлов олди ҳаракат дастури тасдиқланди. Фидокорлар миллий демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзоди кўрсатилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати, қурултойнинг раҳбар ва ишчи органлари тасдиқланди.

23 сентябрь куни « Фидокорлар» миллий- демократик партиясининг етакчилари иштирокида Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. ФМДП бош котиби Эркин Норбўтаев журналистларни қизиқтирган, бевосита партия фаолияти билан боғлиқ масалалар хусусида атрофлича маълумот берди.

«Фидокорлар» миллий-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзоди кўрсатилишини Эркин Норбўтаев қуйидагича изоҳлади:

— Партия раҳбарияти ва аъзолари Ислом Каримовни фидокорликнинг эталони деб билади. Аввало, Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиш жасорати, мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлаш ва минтақавий хавфсизликка эришиш, иқтисодий имкониятларни рўёбга чиқариш каби Ўзбекистон халқи тақдирига дахлдор ишлар бевосита Ислом Каримов фаолияти билан боғлиқ. Партиянинг сиёсат майдонига кириб келишидан мақсади халқ ичида бўлиб уни эшитиш, муаммоларига ечим топишдан иборат. Ўтган қисқа вақт мобайнида партия шу мақсад йўлида баҳоли-қудрат фаолият кўрсатди. Ва Фидокорлар миллий-демократик партияси ўзининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муносиб номзодини кўрсатди, деб ҳисоблайди.

**Ф.КАРИМОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири**

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.**

**• «2000 йил ҳосилини етиштириш учун кузги-қишки агротехника тадбирларини маблағ билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, вилоят, шаҳар ва туманлар халқ депутатлари кенгашларига бўладиган сайловларда фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган мустақил номзодларга ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази тузилди.**

**• БМТ Бош Ассамблеясининг 54-сессиясида АҚШ Президенти Билл Клинтон XXI асрда одамлар турмуш даражасини кўтариш билан боғлиқ уч муҳим ишни, яъни қашшоқликни тугатиш, қуролли можароларга ҳамда оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқаришга чек қўйишни алоҳида таъкидлаб, бунда БМТ ташаббуси муҳим эканлигини айтиб ўтди.**

**• Ҳиндистонлик журналистларнинг бундан бир ҳафта олдин шов-шувга сабаб бўлган, покистонлик жангариларнинг Кашмирдаги айрим истеҳкомларни ҳали ҳам эгаллаб турганлиги, уларни сиқиб чиқариш бўйича Ҳиндистон ҳукумати армиясининг уринишлари зое кетганлиги ҳақидаги хабарини Ҳиндистон Мудофаа вазирлиги рад этди.**

**• Шимолий Атлантика Шартномаси ташкилоти Бош котиби, Буюк Британия мудофаа вазири Жорж Робертсон «Немис тўлқини» радиосига берган интервьюсида келажакда европаликлар ўз қитъаси муаммоларини АҚШ кўмагисиз ҳал қилиши керак, деган фикрни илгари сурди.**



*Олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Раъно Холмуҳаммедовани Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур туманидаги 186-мактабда ҳурмат билан тилга олишади. Гап шундаки, у 34 йилдирки, шу ҳудуддаги ўғил-қизларнинг бошланғич саводини чиқариб, таълимнинг кейинги босқичига йўлланма бериб келаяпти.*

*Суратда: фидойи муаллима Р. Холмуҳамедова ўқувчисига математик амалларни бажаришда нималарга эътибор бериш лозимлигини тушунтираётир.*

**Равил АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

## Ўқитувчи ён дафтарига

### ЧОРАЛАР САМАРА БЕРДИ

**Оролбўйидаги экологик ҳалокат зонасининг Ўзбекистон ҳудудида иккита қўриқхонаси мавжуд. Улардан бири, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган Бодайтўқай қўриқхонасида кўрилаётган зарур чоралар бугун ўз самарасини бера бошлади. Бу ерда бир вақтлар жуда камайиб кетган Бухоро кийиги – Хонгулларнинг ҳам кўпая бошлаганлиги кузатилмоқда.**

### 1247 ЙИЛЛИК БИНО

**Ҳа, Япониянинг Нара шаҳрида 752 йилда қурилган Тодайдзи номли будда ибодатхонасининг ёши шунга тенг. Маълумотларга қараганда, ёғочдан қурилган ва бугунги кунда ҳам фойдаланиб келинаётган мазкур бино жаҳоннинг энг кўҳна иморатларидан саналади.**

### ЯНГИ УСУЛ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**Австралиялик шифокор олимлар узоқ муддат тажриба-синовлар ўтказиб шундай тўхтамга келишди: оғриқни дори ичиш ёки игна санчиш билан эмас, оғриётган жойга дори пуркаш билан даволаш энг яхши муолажадир. Пуркалган дори тезда қон томирларига сингиб кетади ҳамда самарали ва зиёнсиз таъсир кўрсатади.**

### ТОПИЛМА ЁРДАМ БЕРАДИ

**Канадалик олимлар бундан 44 йил муқаддам Саскачеван ҳудудидан археологлар томонидан топилган, қотиб минералларга айланиб кетган 7,1 килограммлик ҳайвон чиқиндиси Тиранозаврга тааллуқли эканлигини аниқладилар. Мазкур топилма 65 миллион йил олдин яшаган мавжудотларнинг емиши нималардан иборат бўлганлигини аниқлашда ёрдам беради, дейишмоқда қадимшунослар.**

## Азиз газетхонлар!

**Республикамизнинг барча даврий нашрлари қаторида Сизнинг ҳаммаслагингиз, дастёрингиз «MA'RIFAT» газетасига ҳам 2000 йил учун обуна жараёни бошланди.**

**Нашр индекси: якка обуначилар учун 149, ташкилотлар учун 150.**

## Taraddud

# БУЮКЛАРНИНГ ҲАМ УСТОЗИ БЎЛАДИ

**Нўъмонжон МЎМИНОВ,**
**Фарғона вилояти ҳокими**

Халқимиз устоз номини доимий равишда улуғлаб ҳурмат билан тилга олади, эъзозлайди. Аслида бундай маданиятли, илиқ муносабатларнинг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Соҳибқирон Амир Темур дорулбақога юз тутганда ўзининг ҳокини устозининг оёқ учига қўйишларини айтган эди. Орадан 600 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам Соҳибқироннинг тутган йўли бутун дунё халқларига намуна бўлиб қолаяпти. Демак, бизга дунёни илм-фан, маданият нуқтаи назаридан танитган устозларимизни, муаллиму мураббийларни ҳурмат қилиш аждодларимиздан мерос.

Асримиз охирига келиб мустақил юртимизда таълим-тарбия ишига катта эътибор берила бошланди. Таълим тизимида туб ислоҳотлар ўтказиляпти, соҳага оид муҳим ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ўнлаб турдаги замонавий ўқув муассасалари қад ростлаяпти. Таълим тараққиёти билан жиддий шуғулланиш мамлакатимизда ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун қайғуришимиз, қувонмоғимиз зарур», деган фикрларининг ўзиёқ Республикамиз ҳукуматининг таълим тизимига муносабатини акс эттиради. Бундай вазифалар барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди. Ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши, муносиб тарбияланиши билан бутун халқимизнинг шуғулланишига даъват этади.

Президентимизнинг ташаббуси билан 1996 йили мамлакатимизда дунёда илк бора «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»ни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш эълон қилинди.

Бу йил ана шу байрамни учинчи марта тантанали равишда ўтказамиз. Ҳозир бу борада вилоят ва 20 та шаҳар-туманларимиз миқёсида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди. Байрамни кўтаринки руҳда ташкил этиш вазифаси бевосита ҳокимликлар зиммасига юклатилган. Тантана куни муаллим ва мураббийларимиз барча жойларда бир пиёла чой устида гурунглашадилар, концерт ва томошалар бўлади. Меҳнатда ўрнак кўрсатган, илғор ва фаол халқ таълими ходимлари тақдирланадилар.

Ҳозир вилоятимизнинг Қирғизистонга чегарадош қисмига яқин ҳудудларида вазият кескинлигича қолмоқда. Ёлланма террористлар ўзларининг қабиҳ ниятларидан ҳанузгача қайтганлари йўқ. Лекин бундай ҳолат кишиларимизнинг кайфият-руҳиятига салбий таъсир кўрсатмайди.

(Давоми 3-бетда)

## Ta'lim nazariyasi

# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ: ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ҚАДРИЯТЛАРИ

Таълим соҳасида эркинликка ижодий фаолиятни эркин танлаш ва бунинг учун имконият яратиш орқали эришилади. Бундай шароитда мустақил равишда билим олиш педагогикасини ишлаб чиқиш, хусусан, таълим жараёнига ўқувчилар фаолиятнинг турли хилида ўз иқтидорларини намоён қилишига ёрдам берувчи педагогик технологияларни жорий этиш энг муҳим педагогик муаммо ва амалий вазифага айланади. Бу йўналишдаги изланишларнинг реал ечими - турли "тадбирлар"дан, расмий педагогикадан воз кечиб, эркин ўқиш ва эркин ўқитишни уйғунлаштирадиган эркин педагогикага, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлигига ўтиш йўлидир.

Янгиланаётган жамият **ўз аъзолари ўртасида** ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдамга асосланган мутлақо **янги муносабатларни** шакллантиради. Ижтимоий муносабатларнинг бундай қадриятлари таълим жараёнида ўз ифодасини топиши лозим. Авторитар педагогикада ҳамжиҳатлик тушунчаси педагогнинг ўқувчига нисбатан педагогик таъсир кўрсатиши, боланинг хулқ-атвори катталарнинг фаол ҳаракатлари натижасида шаклланиши шарт эканлиги, шунингдек бола катталарнинг тарбиявий таъсирини сўзсиз қабул қилишга тайёр бўлиши сифатида талқин қилинган. Башарти, аввалги педагогика расмий (буйруқбозлик орқали) ва бир томонлама таъсир кўрсатиш қоидаси асосига қурилган бўлса, ҳозирги педагогика биргаликда фаолият кўрсатиш қоидасига асосланган бўлиши лозим. Бу нафақат педагогларнинг янги авлодини шакллантиришни, уларнинг педагогик маҳоратини оширишни назарда тутади, балки ривожланиш учун тегишли педагогик муҳитни юзага келтиришни ҳам тақозо қилади. Ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик доимо демократия кўринишларидан бири бўлиб келиб, шерикнинг индивидуал манфаатларини қабул қилишга асосланади.

Олдинда турган вазифа - педагог ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорликни таъминлайдиган, ишонч ва манфаатларга риоя этилишига кўмаклашадиган, ўқувчининг қобилияти намоён бўлиши учун имконият яратадиган ўзаро муносабатлар тизимини юзага келтиришдан иборатдир.

Ўқув-тарбия жараёнини муваффақиятли ташкил этиш учун унинг барча субъектлари, яъни ўқувчилар, ўқувчи ва ўқитувчи, ўқитувчилар, ўқитувчи ва таълим муассасасининг маъмурияти ўртасида ўзаро самимий ҳамкорлик муҳитини яратиш зарур. Ўқувчилар ўртасида ўзаро тушуниш муҳити ўқитувчининг назорати ва авторитар хатти-ҳаракатларига қарши бирлашиш усули сифатида ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, ўқувчилар дарс тайёрламасликлари ёки дарсга кирмасликлари мумкин.

(Давоми 2-3-бетларда)

# АЛДАНГАНЛАР ВА МАҲКУМЛАР

"Жангарилар лагерида бир йилдан кўпроқ бўлдим. У ерда ҳаёт ва тартиб қўрқиш асосига қурилган. Ўша яқин ўтмишимни ҳозир эсласам, қўрқув ва тушкунликда яшаганлигимни англайман. У ерда ўтган кунларимни тасвирлашим қийин. Ҳар куни жисмоний тайёргарлик, ислом дини бўйича мураббий таълими (буни даъват деб аташади), ҳарбий тайёргарлик, бошқа ишлар. Гўё ташқи дунё билан алоқа узилган жойда яшаётганга ўхшайсан, ташқаридан ҳеч қандай хабар келмайди. Бу ерда девор йўқ, лекин тутқун каби кун кўрасан, чунки лагерга ипсиз боғлаб қўйилгансан: кетиш мумкин эмас — пастга тушадиган бирдан-бир йўлга постлар қўйилган, ҳужжат йўқ, пул йўқ, харита ҳам йўқ. Харита бўлмагач, тоғда адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Ҳар куни шу аҳвол...

Лагерда диний таълимни ва ҳарбий тайёргарликни яхши ўзлаштирмаганлар жазоланади. Кимки шубҳаланса, бу ердан кетмоқчи бўлса — сотқин ҳисобланади. Сотқинлар эса бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам жазоланади — бу гаплар кун сайин қулоққа қуйиб турилади. Машғулот чоғида мунозарага йўл қўйилмайди — ҳар қандай шубҳага Оллоҳ номи билан чек қўйилади: "Бу Оллоҳнинг иродаси", "Оллоҳ бизга мадад беради", "Оллоҳнинг инояти", "Ҳаммаси Оллоҳга маълум", дейишади. Саволлар ёки норозиликка Оллоҳ ва Пайғамбар номи билан чек қўйишади. Лекин бу гаплардан сўнг қалбингда тош пайдо бўлади. Чунки шубҳалар қолаверади, келажак эса мавҳум ва ишончсиз, умидсиз дунё бўлиб кўринади.

Биринчи марта мазкур лагерга кирганимда, атрофдаги гўзалликни кўриб мафтун бўлдим. Лекин бир-икки ҳафта ўтгандан сўнг ҳамма нарса мунгли ва хунук кўрина бошлади". Бу жангариларнинг Тожикистондаги лагерида узоқ вақт бўлиб келган урганчлик 23 яшар йигит (уни Азимбек деб атайлик) гапларидан бир парча, холос.

Ўзбекистон Президенти томонидан 1999 йилнинг март ойида алданиб, исломпарастларнинг сафига ёшларни ёлловчилар қармоғига илинган ёки ислом ҳаракатига ўз ихтиёри билан қўшилган, аммо хато қилганини тушуниб, тинч ҳаётга қайтишни истаганлар кечирилиши эълон қилингандан сўнг, Азимбек ва унга ўхшаш йигитларнинг уйга қайтишлари мумкин бўлди. Президентнинг баёноти Тожикистонда, Афғонистонда ва Чеченистондаги жангариларнинг ҳарбий лагерларидаги йигитларга ҳам қаратилган эди.

Ўзбек йигитлари жангариларнинг ҳарбий лагерларига қандай қилиб бориб қолишди? Тожикистондан қайтиб келган урганчлик йигитлар билан 1999 йилнинг июлида учрашганимда, улар шу ҳақда сўзлаб беришди.

"Мен 1998 йилда Тошкентдаги университетга киришга уриндим, лекин имтиҳондан йиқилдим. Бозорда ўрта ёшлардаги Абдулҳақ исмли одам билан танишиб қолдим. У менга Тошкентда қурилаётган кичик бир масжидда бирга ишлашни таклиф қилди. Уйга қайтиб кетишга уялганим сабабли рози бўлдим. Биз бир ойча ишладик. Масжид қурилаётган жойдаги ҳовлида яшадик, оқшомлари ҳаёт тўғрисида, турмушда учрайдиган қийинчиликлар, адолатсизликлар ҳақида гаплашдик. Бригададаги одамлар тақводор эди, намоз ўқишар, бир-бирини ҳурмат қилишар, меҳрибонлик кўрсатишарди. Улар менга ёқиб қолишди. Ҳақиқий дўстларимни топдим, деб ўйладим. Улар фақат эътиқодгина киши ҳаётини яхшилайди, чунки дин орқали одамларнинг ўзлари руҳан тозаланади, яқинлари тўғрисида ғамхўрлик қилишади, дер эдилар.

(Давоми 2-бетда)

# ТОҒОРА КЎТАРГАН ОНАЛАР

Машойихлар «узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхшироқ» деган сўзларни топиб айтишган экан-да, дейман баъзида. Чунки қўшнилар ҳар куни ҳамдаминг, ҳамдардинг, ҳамсуҳбатинг... Инсон қаерда макон тутса, ўша ерда қўнимқўшниларига озми-кўпми суяниб қоларкан. Баъзан уларнинг дарди сенинг ҳам дардинг бўлиб қоларкан.

Қизи мактабга чиқиб, боши ташвишдан чиқмай қолган ён қўшнимнинг ҳасратларидан баъзида мен ҳам қийналиб кетаман. Ҳар ҳафта ёки ўн кун ўтмай қўшнигинамни ташвишли бир алфозда кўраман:

— Ҳа, тинчликми, қўшни? — сўрайман ундан.

— Э, биласиз-ку, яна шу ғам менга. Қизимнинг мактабига нарса пиширишим керак.

— Қизингизнинг мактабини боқиш сизга қолдими? Пиширманг. 1-синф боласига ҳадеб тоғора кўтаришни ким қўйибди?

— Йўғ-э, қўшни, қийналсам ҳам, ўзим емасам ҳам барибир, бир амаллаб бирон нарса қилиб бераман. Қизимни четлашларига йўл қўймайман! — дейди бечора она.

Ҳа, мен бу онаизорнинг учта фарзанди билан у ойликдан бу ойликка базўр етиб яшашини яхши биламан. Ўзим емасам ҳам дейди-я яна. Қўлида эмизикли гўдаги бўлатуриб, шундай оғирликни ўзига раво кўради. Нима қилсин, ўқитувчиси айтган тоғорани олиб бормаса, қизининг ўртоқлари олдида изза бўлиши...

Қизиқ, бир қарашда мактаб ўқувчисининг байрамда, бирон тадбирда ёки туғилган кунларида мактабга тансиқ таомлар пишириб бориб еб-ичиб, ўйин-кулги қилса, ёмон жойи йўқ, дейишингиз мумкин. Лекин бунинг орқасидан кимдир азият чекса, буни оқлаб бўлармикин?

Умуман олганда, мактаб таълим-тарбия ўчоғи. Уни еб-ичиб, ўйин-кулги қиладиган тўйхонадан фарқи бўлиши керак. Болалар мактабдан илму урфонга бўлган чанқоқликларини қондириб, юксак тарбияли, одоби гўзал устозидан ибрат олишлари керак. Лекин дарс пайтида болаларнинг (эътибор қилинг-а, ҳали 1-синф болалари) диққатини бўлиб, шаддод муаллима рўйхат санаса:

— Нигорахон, торт қилиб келасан.

— Севарахон, сенга сомса...

— Нодирахон, печенье...

Кўзлари жовдираган болажонлар уйларига бориб, онажонларига бу «хушхабар»ни етказишса, албатта бир дийдиё қилишади.

«Қуриб кетсин мактабинг ҳам, ўқитувчинг ҳам» демайдиган аёлнинг йўқлигига ишонмайман. Чунки аёл зотининг шусиз ҳам ташвиши бошидан ошиб ётган бўлади. Ёки айтилган, «буюртма»га қурби, имкони етмайдиган аёлнинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг!

Уйидаги бундай нохуш манзарадан кейин гулдан нозик бўлган бола кўнгли ўксинмайдими!

Хўш, Сиз нима дейсиз, муҳтарама муаллима? «Байрам эди» дейсизми? Ахир, байрамларни ҳам ортиқча дахмазасиз гўзалроқ ўтказиш билан бутун мамлакатимиз бўйлаб тўй-ҳашамлар тартибга солиниб, ортиқча тоғора-поғораларга барҳам берилаётган бир пайтда мактаб ўқувчиси дарси қолиб, тоғора тайёрлашга боши қотиб ўтирса яхши эмас ахир!

Бугун сиз замонга боқмай, байрам кўрки дастурхон деб билиб, ўқувчиларингизни қийнаб, бу нарсага эришсангиз, ўқувчиларингиз билан бир дастурхонда ўтириб яйрасангиз, улар олдида қандай сирингиз, обрўйингиз қолади?

Ҳозир ҳам биринчи ўқитувчимни кўргудай бўлсам, ҳамон юрагим титрайди. Унинг донишманд нигоҳи, чеҳрасидаги аллақандай сир туфайли бемалол суҳбатлашишга ҳали ҳам ботинолмайман. Кўришиб қолсак, бир-биримизни сўзсиз тушунамиз, ота-бола муҳаббатидан-да улуғроқ меҳр-муҳаббатимизни бир-биримизга сўзсиз изҳор этамиз. 1-синфда ўқиётганимда унинг оддий одамлардай яшашини, еб-ичишини, ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдим. Менинг ўқитувчим (уни Тўрткўлда Олим муаллим дея эъзозлашади) ўқувчилар олдида ўз-ҳурмат-эътиборини қаттиқ сақлар ва буни ҳеч қачон йўқотмаганди. Ўзи қатъиятли, имон-эътиқодли, билимдон киши эдилар. Шунинг учун ҳам МЕҲР МЕҲРОБИ каби унга ҳамон интилиб яшаймиз. Қанийди, бугунги замон ўқитувчилари ҳам ана шундай салоҳиятга эга бўлсалар...

Сизга юқорида ҳикоя қилган нохуш ҳодисани қўшнимнинг ёзманг, билиб қолишса, бошимиз балога қолмасин, деб зорланишларини ҳисобга олиб, мактаб деб қўяқолгандим. Аслида бу воқеалар мамлакатимиздаги нуфузли университетлардан бирининг қошида ташкил этилган гимназияда бўлаётган гаплар эди.

Хўш, сиз нима дейсиз? Мактаб ўқувчисига тоғора кўтаришга балки ҳожат йўқдир? Балки сизни ҳам бундай маш-машалар қийнаётгандир? Келинг, фикрлашайлик, балки буларнинг барига барҳам бериш керакдир?!

**Норгул АБДУРАИМОВА**

**Тошкент**

# КИТОБ

*Munozara*

«Мева берармикан, деб тол экибман, — деди бир киши, — мева бермади».

Афандисифат киши деб билганлариданми, унинг бу гапига атрофдагилар кулишди. Менга эса бу гапда бир ҳикмат яширингдай туюлди. Сўнгра, бундай нодир нақлни сўйлаган киши ҳақида суриштирсам, фарзандларидан ёлчимаган одам экан. Унинг «мева берармикан деб тол эккани» эса, асло куладиган гап эмас, балки фарзандларига ёмон тарбия бериб яхши натижа кутганлигидан ва алалоқибат «толдан», яъни берган тарбиясидан мева ололмаганлигидан бир ўкиниш экан.

Дарҳақиқат, «Бугун» «Кеча»нинг натижасидир. Кеча экилган ниҳол бугун ва эртага ўз ҳосиласини кўрсатади. Алҳол, кеча экилган арпа албатта арпа ҳосилини беради, асло буғдой ҳосилини эмас. Тоғора кўтарган оналар хусусидаги мақолани ўқиб, кўнглимдан шундай ўйлар кечди. Таассуфки, орамизда саёз фикрлайдиган, фақат жиғилдон ташвишидагина кун ўтказадиган шундай одамлар учраб туради. Бундайларнинг асосий зиёли қатлам ҳисобланмиш ўқитувчилар орасида ҳам учраши эса ўта афсусланарли ҳолдир.

Бугунги ўқитувчи — кечаги ўқувчи, бугунги ота-она ҳам, кечаги бола, аслида. Шундай экан, улар ҳам қачондир, кимдандир ва қандайдир тарбия олган. Бу тарбия бугун ўз самарасини бермоқда, яъни арпа экилган бўлса — арпа, буғдой экилган бўлса — буғдой. Ташвишланарли жиҳати шундаки, фикри қашшоқ ўқитувчи ўз ўқувчисига, ёки ота-она ўз боласига асло ўз тасаввурида шаклланган «билим»идан ортиқ нарса ўргатолмайди. Боз устига, ўзларининг ноўрин ҳатти-ҳаракатларию гап-сўзларини ҳам болалар онгига сингдира бошлайди.

Атрофга бир разм солсангиз, «болам учун фалон-фалон китобларни сотиб олиб бердим, ўзим ўқиб чиққанман, жуда яхши китоблар» деб эмас, «боламга фалон пуллик кийим олиб бердим, роса танқис мол, зўрға топдим... Қизим ёшига етди, унга тилла сирға совға қилдим» деб мақтанувчи аёлларни кўпроқ учратасиз. Бундай тоифага кирувчилар болалардан «бугун нимани ўргандинг» ёки «қандай қўшимча китоблар ўқияпсан» деб сўрамайди. Улар баайни мева оламан деб тол экаётган кишидир. Ва бундай тор фикрли кишиларнинг орамизда учраши маълум маънода, собиқ сароб тузум тарбиясининг ҳали-ҳануз зоҳир бўлиб турган асоратларидир. Бугун, аввало, мана шу асоратлардан кўнгилни тозаламоқ, фикрни ўзгартирмоқ, тафаккур ва маънавиятни юксалтирмоқ керак. Токи, бу илмсизлик ёшларга ўрнак бўлиб қолмасин ва бу ёмон иллат суяк суриб кетмасин.

Боғчага, мактабга тарбия истаб, таълим истаб келган боладан нарса таъма қилиш, унга турли «буюртма»лар бериш тарбиячининг, ўқитувчининг маънавиятсизлигидан далолат беради. Айтадиларки, тарбиячининг аввало ўзи яхши тарбия кўрган, ўқитувчининг ўзи ўқиган бўлиши, шу масъулиятли ва шарафли номга муносиб бўлиши керак. Шундагина ёш авлод характерида юксак маънавият шаклланади. Зеро, уларнинг биздан кўра бахтли яшашларини ҳам тор фикрлилик ёхуд худбинлик эмас, аввало ўз маънавиятлари таъмин этади.

Бунинг учун оналар мактаб сари тоғара кўтариб эмас, балки болалари учун китоб кўтариб бормоқлари зарурдир.

**И. БЎРИБОЕВ**

# БУЮКЛАРНИНГ ҲАМ УСТОЗИ БЎЛАДИ

**(Боши 1-бетда)**

Чунки, шуни алоҳида ишонч билан айтишим мумкинки, чегараларимиз ҳарбий қўшинларимиз томонидан мустаҳкам қўриқланаяпти, оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларнинг ҳам муҳофазаси тўлиқ таъминланади. Байрамларимизни ҳеч ким ҳеч қачон тўхтата олмайди.

Бугун мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг унумли натижа бериши кўп жиҳатдан мавжуд масаланинг нечоғли ҳал этилишига боғлиқ. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йилги биринчи чақириқ IX сессиясида халқ таълимини ривожлантириш бош масала сифатида кўриб чиқилди. Президентимиз Ислом Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги маърузаларида Ватанимиз таълимининг ҳозирги куни ва келажагини атрофлича таҳлил қилиб бердилар. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалга тадбиқ этилиши эса тарихий воқеа бўлиб, уларнинг негизида келажак авлод камоли, Ўзбекистоннинг буюк истиқболи мужассам.

Мустақиллик йилларининг яқин ўтган даврида вилоятимизда бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Таълим-тарбия жараёни миллий қадриятлар асосида жаҳон андозалари талаблари даражасига кўтарилаяпти.

1998 йилда вилоят бўйича биттадан академик лицей ва касб-ҳунар коллежи иш бошлаган бўлса, жорий йилда 11 та касб-ҳунар коллежи ўқувчиларни қабул қилди. Яна 18 та ана шундай коллежнинг қурилиши бошланди, улар 2000 йилда ишга туширилади.

Мустақиллигимизнинг 8 йиллик тўйи байрам қилинган кунда 1864 ўринли 4 та мактаб биноси фойдаланишга топширилди, яна шу каби замонавий кўринишда, барча қулайликларга эга 4 та бинода йил охирига қадар ўқишлар бошлаб юборилади.

Вилоятимизда бу йил кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 20 млн. сўм ажратдик. Бу маблағга 5-6-синф ўқувчилари учун янги алифбодаги дарсликлар сотиб олинди. Шунингдек, ҳомийлар ҳам қараб тургани йўқ. Улар томонидан кўрсатилган ёрдам қарийб 8 млн. сўмни ташкил этди.

Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида мамлакатимизнинг бир қатор маорифчилари Фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотландилар. Муаллимларимиздан бир нафари «Ўзбекистон қаҳрамони», 22 нафари «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», 15 нафари I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени ва унвонлар билан тақдирландилар. Яна 55 нафар жонкуяр ходимларимиз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Халқ таълими ходими», уларнинг 18 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», 2400 нафари эса «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонига эга. Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги муносабати билан Учкўприк туманидаги 6-мактаб директори Алижон Одиловга «Эл-юрт ҳурмати» ордени берилди. Мисоллар кўп. Бундай маълумотлар юртимизда устозлар, ўқитувчи ва мураббийларнинг заҳматли, шарафли меҳнатлари эъзоз топаётганлигидан далолатдир.

Вилоятимизда ўқувчилар қалбига Ватан туйғусини бахш этиш, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини сингдириш ҳам йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Бу йил республика Мудофаа вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасида ўқувчиларимиз ғолиб чиқиб, мамлакатда биринчи ўринни эгалладилар ва уларнинг 12 нафари ҳарбий олий ўқув юртларига имтиёзли тарзда қабул қилинди. 4 нафар ўқувчимиз биология ва математика ўқув фанларидан Руминия, Польша давлатларида бўладиган жаҳон олимпиадаларида иштирок этиш ҳуқуқларини қўлга киритдилар. Кейинги йилларда «АКСЕЛС» имтиҳонларида ғолиб бўлган 30 дан зиёд ўқувчи АҚШда бир йилдан ўқиб қайтдилар. Бу йил ҳам 6 нафар ўқувчимиз танлов ғолиби сифатида Америкага жўнатилди.

Юқорида келтирилган далиллар ютуқларимиз, ҳурматли ўқитувчиларимизнинг меҳнат натижалари. Биз байрам муносабати билан уларнинг айримларини келтириб ўтдик. Аммо муаммоларимиз, оғриқ нуқталаримиз ҳам йўқ эмас. Бундай муаммолар вақт-соати билан босқичма-босқич ҳал этилаяпти. Ислоҳотларнинг тақдири, уларнинг қай даражада амалга оширилиши биринчи навбатда кадрларга боғлиқ. Етук кадрларни тайёрлаш эса, энг аввало, умумтаълим мактабларида бошланади.

Шундай экан, ўқитувчи ва мураббийлар, халқ таълими ходимлари зиммасига катта ва масъулиятли, аммо шарафли вазифалар юкланган.



# БОЛАЛАР ФИКРИДАГИ ЭЗГУЛИК

*Аввал хабар берганимиздек, Нукусда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хусусан Орол муаммоларига бағишланган Халқаро болалар семинари бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон Республикалари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилотларининг болалар делегациялари мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан ўз фикрлари ҳамда таклифларини ўртага ташлаган эди. Орол денгизининг қуриши инсоният учун унинг ўзи томонидан пайдо қилинган энг катта муаммо ҳисобланади. Бир неча ўн йиллар давомида режасиз фаолиятнинг маҳсули сифатида юзага келган бу муаммо вақт нуқтаи-назаридан кам бўлмаган муддатда ўз ечимини топиши мумкин. Шу боис, атроф-муҳит муҳофазасига оид масалаларда эртанги кун эгалари – болалар ва ёшлар фикрига, кўнглига қулоқ тутиш, уларга муаммо моҳиятини англашда ёрдам бериш мақсадга мувофиқдир. Қуйида Нукусда бўлиб ўтган семинар иштирокчилари – болалар-делегациялари аъзоларининг ўйлари, фикрлари билан танишасиз.*

***Ўзбекистон делегацияси.***

***Ольга Губарева:***

*— Мен Орол атрофига кўплаб дарахтлар экишни таклиф қиламан. Аҳоли ўртасида сувни тежаб ишлатиш, саноат ва хўжалик эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Чунки, табиат ҳалокатига олиб борувчи атроф-муҳитнинг кескин ўзгариши бизни кўпроқ безовта қилади.*

***Максим Миптеполский:***

*— Бизнинг вазифамиз Орол муаммосини ҳал этиш. Нукусда Ўрта Осиё мамлакатларидан делегациялар иштирок этаётгани яхши бўлди. Бу бизга ўзаро фикр алмашиш ва бир-биримизнинг бу борадаги ғояларимиз билан ўртоқлашиш имконини беради. Шубҳасиз, болалар бугун бўлмаса эртага бу муаммони ҳал қиладилар.*

***Қирғизистон делегацияси.***

***Севара Исмоилова:***

*— Биз маҳаллий сув ҳавзалари ва уларнинг ифлосланиш манбаларини карталаштириш ишларини олиб бораяпмиз. Бу жойларга сувни тозалаш қурилмаларини ўрнатамиз.*

***Қозоғистон делегацияси.***

***Акбола Исҳақова:***

*– Орол қуриши кўплаб балиқ турларининг йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Мўйноқдаги балиқчилик саноати инқирозга юз тутаяпти. Орол атрофидан кўтарилаётган туз, айниқса, болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда ва бу бир неча километргача атрофни қамраб олади. Бу борада фақат ҳамжиҳатликкина кўзланган мақсад сари олиб боради.*

**МУХБИРИМИЗ**

*Ta'lim fidoiylari*

# ЧИНОРЛАР БОР БЎЛСИН

Келажагини ўйлаган киши борки, ўзидан яхши ном қолдиришни истайди. Бу истак заруриятга айланади. Бунга фақат қилган эзгу ишлари, меҳнати эвазигагина эришиши мумкин. Меҳнат қилмай қилинган истак эса хомхаёлликдан бошқа нарса эмас. Бизнинг қаҳрамонимиз Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида туғилиб ўсиб, ўзининг узоқ ва шарафли меҳнати эвазига халқ меҳрини қозонган инсондир.

Муқаддам опа Беганова 1952 йилда тумандаги 21 - ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд хотин - қизлар педагогика билим юртига ўқишга киради. 1957 йили бу билим юртини аъло даражада тамомлаб, ўқишни Самарқанд Давлат университетининг филология факультетида сиртдан давом эттиради. Шу йилдан бошлаб, ўз меҳнат фаолиятини бошланғич синф ўқитувчилигидан бошлайди. У 1957 - 1964 йиллар мобайнида ўқитувчилик, 1964 - 1969 йилларда илмий бўлим мудираси лавозимларида хизмат қилади. Яхши меҳнат ўз самарасини беради. Бу – шубҳасиз. Бу сафар ҳам ҳаётнинг бу қонуни бузилмади. Муқаддам опа 1969 йилда 72 - саккиз йиллик мактабнинг директори вазифасига тайинланди. Айни шу пайтларда у Самарқанд вилояти халқ депутатлари кенгашига депутат бўлиб ҳам сайланди. Раҳбарлик инсондан кўп нарсани талаб қилади. Ана шу «кўп нарса»ни ўзида мужассамлаштира олган раҳбаргина халқ эътиборини қозонади. Айнан Муқаддам опанинг шижоатли хатти-ҳаракати билан 81-саккиз йиллик мактаб ўрта мактабга айлантирилди. Кейинчалик 34-ўрта мактаб деб ном олган бу илм даргоҳи учун 1989 - 1990 йилларда икки қаватли бино бунёд этилди. 1989 йилгача Муқаддам опа Беганова раҳбарлик қилган бу мактаб бир неча бор тумандаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, «намунавий таянч» мактаб эканлигини исботлади.

Юқорида айтганимиздек, қилинган эзгу ишлар албатта эзгу натижаларга олиб боради. Муқаддам опанинг халқ таълими ривожи учун қилган меҳнатлари Халқ таълими вазирлиги, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлимлари томонидан тақдирланди. «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» унвони ва бир қатор фахрий ёрлиқлар Муқаддам опанинг 40 йиллик меҳнатининг муносиб баҳосидир.

1998 йил сентябр ойида туман жамоатчилиги томонидан тантанали равишда нафақага кузатилган Муқаддам опа Беганова бугунги кунда 6 фарзанди ва 11 неварасининг бағрида ҳаёт кечирмоқда. Уларга меҳрини бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб, яшаб келмоқда.

Келажак — ёшларники. Агар шу ёшларни навниҳолга қиёс қилсак, уларни ҳар хил шамолу бўронлардан ҳимоя этадиган Муқаддам опадек чинорлар бор бўлсин деймиз. Ниятимиз шу!

**Шерали НИШОНОВ**

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР

**Баркамол авлодни тарбиялаш боғчадан бошланади. Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 269- «Камолот» боғча - мактаб мажмуаси тумандаги болалар масканларидан фарқ қилади. Мажмуада иқтидорли болалар 1-синфга қабул қилинади. Улар боғча-мактабда 4-синфгача ўқишади. Иқтидорли болаларни ўқитиш, тарбиялаш ҳозирги кун талаблари асосида олиб борилаётир. Мазкур масканда инглиз тили чуқур ўргатилади. Таълим-тарбия ишларини намунали амалга ошриш учун мактаблардан тажрибали, малакали бошланғич синф ўқитувчилари таклиф қилинган.**

**– Таълим ва тарбиянинг пойдевори боғчада бошлангани ўз самарасини бермоқда, — дейди «Камолот» боғча - мактаб мажмуаси раҳбари М.Комилова. — Жорий ўқув йилида 23 нафар 4-синфни битирган болалар тумандаги 310-иқтидорли болалар лицейига қабул қилинди. Боғча мактаб мажмуаси эса ўз навбатида 67 нафар иқтидорли болаларни 1-синфга қабул қилди.**

**«Камолот» боғча-мактаб мажмуаси олиб бораётган ишларни оммалаштириш мақсадида, яқинда ушбу масканда «Мактабгача таълим – баркамол авлод пойдевори» мавзусига бағишланган кенгаш ўтказилди. Кенгашда боғча мудиралари иштирок этдилар.**

**Х.МИРЗАКАРИМОВ**

Ижтимоийлашув тўғрисидаги муайян нормаларни бир томонлама ўзлаштириш мазмунидаги тасаввур ҳам ўзгариб бормоқда. Ижтимоийлашувнинг янгича тушунчаси фаол ва ижодий фаолият билан бир вақтда ўқувчилар ўзлари ўзгартириб бораётган шароитда ўзлари фаол яшашларини ҳам англатади. Ижтимоийлашувнинг муваффақияти тайёр нормаларни ўзлаштиришнинг миқёси ва ҳажмига эмас, балки ижтимоийлашув жараёнида ҳар бир киши ҳамжамиятда мустақил фаолият кўрсатиш ва ҳамжамият манфаатлари учун хизмат қилиш борасида олган қобилиятига боғлиқдир. Мухтасар қилиб айтганда, ижтимоийлашув болаларнинг жамият ҳаётига оддийгина қўшилиши эмас, балки жуда кенг қамровли жараёндир.

Ёшларни ижтимоийлаштириш вазифасини бажарар экан, таълим жамият ўз-ўзини ривожлантиришнинг муҳим механизмига айланади, бу ҳол ўз навбатида улғайиб келаётган авлод ижтимоийлашувига кўмаклашаётган нормалар ва стандартларни рағбатлантиради. Ёшларнинг жамиятда ва жамиятнинг ўзи таълимда ижтимоийлашуви ва ўз-ўзини ривожлантириш механизмлари ўртасидаги мазкур қарама-қарши боғланишлар кўрсатадики, таълимнинг ижтимоийлашув вазифасига динамик тарзда ўзгарувчан ва доимо ҳар бир авлоднинг ўз қобилиятини ўзи ижодий равишда рўёбга чиқаришига қаратилган жараён сифатида қарамоқ лозим. Ижтимоийлашув – ёш авлоднинг жамиятда, унинг маданий, маънавий-ахлоқий ҳаётида ўзини ўзи қарор топтириш усули, ўзгариб борувчи жамиятда ўз ўрнини топиш омилидир.

Янги ижтимоий қадриятлар замонавий, изчил ва узлуксиз таълим ҳамда касб-ҳунар дастурларини, шахс, давлат ва жамиятнинг эҳтиёжини қондиришга қаратилган илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш учун шарт-шароитларни юзага келтирди. Таълим ва касбий дастурлар асосини халқнинг бой интеллектуал, маънавий-ахлоқий мероси, умуминсоний қадриятлар, фан, техника, технология ва маданиятнинг илғор ютуқлари ташкил этади.

Ҳудудларнинг жўғрофий ва нуфуз жиҳатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларини қондириши лозим.

Мактабгача таълим босқичида кичкинтойларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шароитлар яратиш, ҳар хил мактабгача таълим муассасалари ва оилада бериладиган тарбия учун турли вариантлардаги дастурлар яратиш, мактабгача таълимга доир барча масалалар бўйича малакали маслаҳатлар олиш, болаларни мактабда мунтазам ўқиш учун самарали тайёрлашга қаратилган шарт-шароитлар яратиш назарда тутилади.

Умумий ўрта таълимнинг янги тузилмаси ўқувчиларнинг интеллектуал ва ахлоқий салоҳиятини очиш, хусусан, ўқувчининг қобилияти ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга нисбатан табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш йўналишларини назарда тутади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделига мувофиқ равишда тузилган касб йўналиши ва ўқувчиларнинг психологик-педагогик диагностикаси марказлари тармоғи иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаб олишни, кейинги таълим йўналишини тўғри ва онгли равишда танлашларида уларга ёрдамлашишни, ўқувчиларни меҳнат ва таълим хизмати бозорининг мунтазам равишда ўзгариб борувчи

5

эҳтиёжларига ўрганишини таъминлаши лозим.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳам табақалаштириш ва шахснинг салоҳиятини намоён этиш мақсади асосига қурилади. Чунончи, академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаган йўналиш бўйича "интенсив-интеллектуал ривожланиш, чуқур, муайян йўналишдаги таълим" орқали, билим савияларини оширишлари ва таълимни давом эттириш ёки олинган таълимни меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмалари ҳосил қилишлари имкониятлари таъминланади. Касб-ҳунар коллежларида фундаментал умумий таълим тайёргарлиги билан бир қаторда ўқувчилар ҳозирги замон касбларини ҳам ўрганадилар, умумий касбий ва махсус фанлар бўйича чуқур назарий билимларга эга бўладилар.

Икки босқичли олий таълим (бакалавриат, магистратура) олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтиришни, жамоат бошқарувини йўлга қўйишни, индивидуал таълим технологиялари ва воситаларини жорий этишни, мустақил таълимни, дистанцион таълим тизимини, халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик, ижтимоий йўналишини таъминлашни назарда тутади. Жамиятни эркинлаштириш ғоялари бевосита таълим амалиётида намоён бўлиши керак.

Узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг янги стратегияси, "таълим" сўзининг янгича маънодаги талқини "инновацион таълим" иборасини тақозо этади. Инновацион таълимда шахсий қадриятлар мезонига онгли равишда урғу берилиши муҳим жиҳат ҳисобланади ва асосий эътибор шахснинг касбий-ижодий, ахлоқий, маънавий, жисмоний салоҳиятини шакллантиришга қаратилади. Инновацион таълим бир вақтнинг ўзида камида иккита вазифани бажариши лозим. Булар қуйидагича:

— инсонда таҳлил, воқеаларни олдиндан кўра билиш қобилиятини тарбиялаш, ўзини реал ҳаётда англай билиш ва бўлғуси ижтимоий ва касбий ролини англаб етиш, шахсни ҳар томонлама пухта ўйланган, онгли равишда хулқ-атвор, эътиқод, ахлоқий қадриятлар, умуман олганда дунёқарашга йўналтириш;

— локал (шахсга қаратилган) бўғиндан бошлаб глобал бўғингача бўлган барча ташкилий-бошқарув босқичларида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим ва касб-ҳунар жиҳатидан қимматли ечимлар қабул қилиш жараёнида шахсга фаол иштирок этиш имконини берувчи "иштирок этиш принципи"ни рўёбга чиқариш.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» рўёбга чиқарилишининг якуни **ўқув-тарбия жараёнининг шахсни эркин ва масъулиятли киши сифатида шакллантиришга қаратилганлиги** бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, инсон бизнинг жамиятимизда ўз қобилиятини рўёбга чиқариши, таълим ва касб-ҳунар соҳасини ўзи мустақил танлай олиши, серқирра маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондира олиши мумкинлигини ҳам, жамият олдида тўла-тўкис жавобгар эканлигини, унинг қонунларига риоя этиши, ижтимоий баркамоллик ва тараққиётга ҳар томонлама кўмаклашиши лозим эканлигини ҳам англаб етиши керак.

Шу жиҳатдан олганда, таълимнинг табақалашиши унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Табақалаштириш ўқувчиларнинг шахсига хос хусусиятларни, уларнинг манфаатлари, рағбати, имконияти, касб йўналишларини иложи бо-

6

рича кўпроқ ҳисобга олиш имконини берувчи таълимнинг турли шакллари амал қилишини таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда, таълимни табақалаштириш шахснинг таълим ва касб-ҳунар йўналишини танлаши жараёнини таъминлайди ва рағбатлантиради.

Табақалаштириш шахс ва одамлар гуруҳи ўртасидаги психологик фарқни кўра билишга асосланади. Таълим соҳасида ўқувчиларнинг ақлий ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек, бирор соҳа бўйича йўналишини аниқлаш – ўзлаштириши лозим бўлган билимларнинг мазмуни ва ҳажми бўйича табақалаштириш услублари анча ривож топган.

Ҳозирги даврда шахслар ўртасидаги интеллектуал жиҳатдан мавжуд фарқлар билан бир қаторда ижодий ва ташкилотчилик қобилиятидаги, шахснинг умумий тафаккуридаги фарқларга ҳам катта эътибор қаратиш лозим. Бу таълим соҳасидаги кўпгина масалаларни ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай масалалар жумласига ўқувчиларни саралаш ва ўқитиш, уларнинг таълим, кейинчалик эса касбий ва ижтимоий соҳада ривожланиши, ўз имкониятларини рўёбга чиқариши имкониятлари диагностикаси, коррекцияси ва прогностикасини киритиш мумкин.

Таълимнинг вазифаларидан бири авлодларни бирлаштиришдир. Таълим жараёни қатнашчиларидан ҳар бирининг ўз имкониятларига баҳо бера олиши ва биргаликдаги фаолиятни йўлга қўйиши назарда тутилган бирлаштиришга хос хусусиятдир. Бола ўзаро муносабатлар орқали дунёни ва ана шу дунё ичида ўзини кўра билар экан, ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ўрнини топиш, ўз қобилиятини фаол рўёбга чиқариш, ўзини бошқа кишилар, жамият ва умуман дунё билан қиёс қилиш имкониятига эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, гўёки ноошкора равишда тузилган "шартнома"ни, шартнома муносабатларини рўёбга чиқариш юз беради. Бундай муносабатлар турли хил ижтимоий фаолиятда, умуман жамиятда одамларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигида борган сари кўпроқ ўрин топмоқда ва муҳим рол ўйнамоқда.

Шунинг учун ўзаро манфаатли муносабатларнинг принциплари ва нормалари ҳозирги замон таълимини ташкил этиш жараёни ва унинг мазмунига киритилиши лозим. Уларни педагогик воситалар сифатида англаш - педагогикани шахсни ривожлантириш қадриятларига йўналтиришнинг реал йўлидир. Уларнинг ўқувчи томонидан ўз йўлини ўзи белгилаш механизми сифатида ўзлаштирилиши педагог ва болаларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги орқали амалга оширилади. Бу таълим маконини кенгайтириш имконини беради, ўзлаштириш динамикаси эса муносабатларни бойитишга кўмаклашади.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаолиятнинг барча хиллаларидаги одамлар ўртасида мавжуд бўлган серқирра ҳамжиҳатлик мазмунида ҳам таълимнинг қадрияти ҳисобланади. Масалан, ҳамкорлик тажрибасига турли ўйинлар, машқлар, моделли ёки лойиҳали таълим режими орқали эришилади. Педагог муайян вазиятларда тарбияланувчисининг мавқеига нисбатан ўз муносабатини билдирмоқчи бўлган ҳолларда ҳамкорликдан шахслар орасидаги муносабатларни ривожлантириш механизми сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай тарзда иш тутиш педагог учун ҳам шахсий, ҳам касбий аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифа бўлиб қолмоғи керак.

7

*Ta'lim nazariyasi*

* * *

Фикр билдирилган мавзунинг ҳамма жиҳатларини, турли қирраларини битта мақола доирасида таҳлил этишнинг имкони йўқлиги барчага аён. **Таълимни ташкил этиш ва унинг мазмунида ўз ифодасини топаётган (ёки топиши лозим бўлган) жамият томонидан янгиланаётган қадриятлар ижтимоий-фалсафий, психологик-педагогик талқинларни, чуқур мушоҳадани талаб қилади.** Шунинг учун газетхонни мунозарага таклиф этар эканмиз, айрим хулосаларни чиқармоқчимиз.

Шундай қилиб, ҳозирги замон таълими ижтимоий қадриятларнинг барча қирраларини, жамиятда мавжуд бўлган фаолият нормалари, намуналари ва шаклларини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришга, мазкур меросни улғайиб келаётган авлодга етказиш мақсадини кўзламоғи лозим. Таълимни бундай тушуниш моҳиятан олганда, энг бошданоқ ижтимоий жиҳатдан ва шахс манфаати учун аҳамиятлидир, зеро таълимга жамият қадриятлари ташқаридан олиб кирилаётгани йўқ, балки улар жамият ҳаётида мунтазам мавжуд бўлган ва шундайлигича қолиб, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг қонуний эволюцияси сифатида ёш авлодни ҳозирги замонни, ижтимоий жараёнларни англаб етишга ўргатади.

Таълимда ҳозирги вақтда жамиятда юзага келтирилган мавқе ва фикрларнинг ошкоралиги муҳити туфайли етакчи тамойиллар мунтазам равишда ўзгариб бормоқда, педагогиканинг ўзида ҳам ва умуман таълим тизимида ҳам турли ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Бундай эволюция тўпланган ижтимоий тажрибани қайта мушоҳада қилиш негизида юз бермоқда. Бунда жамият ўзининг барча элементлари серқирра, турли вариантларда ва сифат жиҳатидан ўзига хос тарзда ривожланиши учун асос яратмоқда, таълим эса улғайиб келаётган авлодга ана шу жараёнларни тушунтириб келмоқда.

Жамият қадриятларининг ўрин алмашуви педагоглар олдига жамият янгиланаётган бир шароитларда таълимнинг анъанавий мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янги мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш учун асосий қадриятларга мурожаат этиш, шунингдек педагогик инновациялар учун ўхшаш воситалар топиш вазифасини қўймоқда. Шунинг учун таълим доимий равишда жамият ва унинг институтлари томонидан қўллаб-қувватланиши керак. Айни очиқ, эркин фуқаролик жамияти таълимни ривожлантириш манбаидир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ равишда таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда таълимнинг барча қатнашчилари – ўқувчилар, педагоглар, ота-оналар, бошқарув органларининг ходимлари, шунингдек таълим фаолияти натижасининг истеъмолчиси сифатида бутун жамият ўқув-тарбия жараёнига маданий-тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятларни борган сари фаолроқ киритиш зарурати ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ англамоқда.

**Шавкат ҚУРБОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари**

8



Завқ

Ko'ngil bitiklari

## ЗИЁКОРЛАРГА



*Ҳамкасбларим, табриклай сизни,*
*Зиёкорлар, буюк устозлар.*
*Қозонолсам мен меҳрингизни,*
*Қувонардим, қалби мумтозлар.*

*Бугун байрам, шодлигим жўшиб,*
*Қўлга олдим илҳомий қалам.*
*Эъзозлайман қалбимни қўшиб,*
*Сиз билан кенг, бу ёруғ олам.*



*Сиз азизлар, ёшлар қалбига*
*Илму урфон жо қилган инсон.*
*Лаббай, дейсиз юрт талабига,*
*Бир умрга азиз, қадрдон.*

*Барчангизга умр, бахт тилаб,*
*Табрик шеърим қилсам мухтасар.*
*Аслида-чи, сиз ҳақингизда*
*Ёзмоқ мумкин минг-минглаб асар.*

**Дурдонахон МУҲАММАДЖОНОВА,**
**Тошкент шаҳридаги 305-экология ва иқтисод лицейининг директор муовини**

### МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

*Истеъдодли шоир ва публицист Шукур Дадашни пойтахт маорифчилари халқ таълимининг тажрибали раҳбари сифатида биладилар.*

*Ўқитувчиликдан бошлаб, халқ таълимининг барча босқичларини ўтаган бу камтарин инсон ҳозирда республиканинг мўътабар идораларидан бирининг масъул ходими сифатида фаолият кўрсатса ҳам, зиёкорлар билан доимо ҳамнафас. Сабаби, маорифимиз тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олган ижодкорнинг отаси Тоиржон ака яратиб кетган педагоглар сулоласининг бағрида. Унинг сафи эса йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.*

*Қуйида шоирнинг маорифимиз қасрининг устуни — зиёкор муаллимларга бағишланган, дил изҳори битилган насрий қасидасини эътиборингизга ҳавола этамиз.*

# БЕҒУБОР ҚАЛБ СОҲИБИ

Саҳар палласи. Катта сўлим боғ. Боғбон ҳар бир мевали дарахт олдида тўхтаб, унга диққат билан тикилади. Икки-уч кун мобайнида рўй берган ўзгаришларни кузатади, бачки шохларини ток қайчиси билан чирт-чирт узади. Тутган новдаларни кўриб кўзи қувонади. Сувга ташна ниҳоллар атрофини юмшатиб, сувга қондиради. Бир дарахтнинг илк нишона берган шохи кечаги шамолдан синиб, эгилиб қолибди. Бунга кўзи тушган боғбоннинг баданида тўсатдан ток югургандек бўлди, ичидан зил кетиб сесканди, унсиз сўзлади: «Эҳ, аттанг, бу камёб ўсимлик эди. Ҳаттоки қандай нав эканлигини бу йил ҳам билолмай қолдиганга ўхшайман. Шу даражага етказгунча оз мунча меҳнат чекдимми? Данагидан ўстириб, дори билан парвариш этдим, совуқдан баданини ўраб-чирмаб, ҳатто гармселда атрофида гулхан ёқиб тонг оттирдим».

Боғбон аста лой қорди ҳамда уни шохнинг шикаст жойига суриб, мато билан қаттиқ боғлаб қўйди ва лаблари пичирлади: «Умидли дунё, зора авж олиб кетса. Мени-ку умрим қанча қолди билмайман, аммо ундан одамлар баҳраманд бўлиб, экканга раҳмат, дея дуо этса бас».

Ҳа, азизлар бу ташбеҳ ўз-ўзидан қайси касб эгасига мансублигини зийрак қалбингиз англагандир. Бу хусусият барчамиз учун доимо муҳтарам мавлоно ўқитувчи, устоз-мураббийга хос. Зеро, унинг меҳнати ғоят машаққатли, айни пайтда бениҳоя шарафлики, буни ўзидан ўзга киши ҳис этмоғи мушкулдир.

Фидойи муаллим. Шахсий манфаатини бир томонга суриб қўйиб, керак бўлса кеча-кундуз елиб-югуради. Гоҳида, хизматга туҳмат, деганларидек ўзининг боласига кучи етмаган ва барча масъулиятни мактаб зиммасига юклаган ота-оналардан ноҳақ дашном эшитади. Аммо гина қилмайди, дилида кек сақламайди, беминнат, холис хизмат қилаверади. Устоз муаллим танҳо бир мақсадни рўёбга чиқаришга: «Юртим фарзанди ақлли, миллий ғурурли, саводли бўлсин, давлатимиз тузини оқлаб, жамиятимизга фойдали инсон бўлиб етишсин» - деб интилади.

Ушбу сўзлар муаллимнинг дилдан қабул қилган қасамёди бўлиб, у бутун умри давомида қалбининг танҳо шу амри билан нафас олади, унга сидқидилдан амал қилади.

Юртбошимизнинг ҳар йил 1 октябрь санасини ўқитувчи, мураббий, тарбиячиларнинг касб байрами сифатида нишонлаш ҳақидаги 1997 йилги Фармони ўзбек зиёлилари учун тарихий воқеага айланди.

Зеро, истиқлолнинг майин шабадаси халқ таълими ходимларининг ҳам кўкрагига тегди.

Хотира тасмасини бир фурсат орқага айлантириб кўринг. Аввал ўқитувчи ким эди? Ўз эрки , хоҳишига эга эдими? Йўқ асло! У «марказ»да европача бичилган ва тикилган мутлақо номиллий мафкуравий либосни кийдирувчи эди, холос. Миллий ғурур, шарқона одат, аждодларимиз қадрияти ҳақида сўз юритиш эса гуноҳ, улуғ ижодкорларимиз асарларидан фойдаланиш жиноят ҳисобланарди.

Сабоқ олаётган ўқувчилар Амир Темурни эмас, Александр Невскийни гўё ўзларининг улуғ саркардаси деб билардилар, Улуғбекни подшоҳ, Галилейни мунажжим деб тушунар эдилар. Чўлпон, Элбек асарлари ўрнига Некрасов, Горький асарларини ёд билардилар, ўзбекона либосдаги Берунийни содда бир кимса-ю, Колумбни жуғрофия илмининг саркори деб тан олар эдилар. Халқ озодлиги йўлида жон берган ота-боболарга босмачи, қизил империяга эса халоскор номини бердилар. Ўтмишни бўяш шу қадар авж олдики, ҳатто ўз миллатимиз тарихига ўзимиз ҳам шубҳа билан қарайдиган даражага бориб қолдик. Зиёкор эса чорасиз,ноилож эди. Чунки унинг тизгини узоқ -узоқлардаги ёт унсурлар қўлида эди. Талабаларнинг ҳаққоний саволларига эса чап беришга ёки «улғайганингда билиб оласан» баҳонасини рўкач қилишга мажбур эди.

Муаллим-устоз ниҳоятда муқаддас инсон эканлигини, ота-онамиз қаторида улуғ зотлигини қалбан ҳис этамиз. Унга асосли равишда ҳамду санолар айтамиз, тарихдан мисоллар келтирамиз. Аммо, қанча аччиқ бўлмасин, турғунлик йилларининг бўрони бу шарафли касб соҳибларининг чинордек мустаҳкам обрўсини ҳам силкитди, касби-корига салбий таъсир ўтказди, дея тан олиш бугунги ҳаёт ҳақиқатидир.

Ўқитувчи қалби биллур каби нозикдир. У кўпроқ виждон амри билан иш тутади, самимий, тўғри сўз. Сохталикни, хушомадни ёқтирмайди. Айниқса, бир соатлик дарс машаққатини татиб кўрмаган, айни пайтда тарбиячилик самарини билмаган кимсаларнинг кўр-кўрона кўрсатмаси унинг дилига камон ўқидек санчилади, оғриғини сезса-да, гап қайтаришга яна ўша касб одоби, ҳаёси йўл бермайди.

Ишчи деҳқонга, косиб дурадгорга касб юзасидан маслаҳат бера олмаганидек, муаллимга йўл-йўриқ кўрсатувчи ҳам у каби нозик таъб, у каби мураббийлик мактабини ўтаган бўлиши зарур. Аммо, минг афсуски, замон тақозоси билан маорифчилар жамоасига йўриқчи устоз эмас, балки мансабдор-бошлиқлар ҳам раҳбарлик қилган паллалар бўлди. Улар таълим - тарбия денгизини саёз билдилар, юзасида суздилар. Денгизнинг тубсизлигини, фақатгина унинг қаъридан дуру гавҳарни топиш мумкинлигини англатмоқчи бўлганлар қатағон бўлдилар. Буйруқбозлик, ўзбошимчалик муаллимлар мақсадига ғов бўлди.

Кутилмаганда «2» баҳосиз ўқишга эришамиз» шиори пайдо бўлди. Корхоналардаги каби мактабда ҳам сифат, ўзлаштириш кўрсаткичлари тўлдирилган жадваллар осиб қўйилди. Бу борада синфлар, мактаблар, туманлар, шаҳарлар, вилоятлараро «мусобақалар» уюштирилди. Қоғоздаги рақамлар маориф тизимининг мислсиз ютуқларидан дарак берсада, амалда эса бевосита ижрочи ўқитувчининг чорасизлик гирдобига тушишига сабаб бўлди. Қўлида шаҳодатномаси бўла туриб, карра жадвални билмаган ўқувчи ҳам битирувчи номини олди. Олти ҳарфдан иборат бўлган исмини ёзганда тўртта хатога йўл қўядиган ўқувчи ўқитувчининг кўзларига тик боқиб: «домла, тўрт чорак икки баҳо қўйсангиз ҳам йиллигим бари бир уч бўлади» - дея андишасиз сўзлайдиган бўлди. Ҳатто «суянчиқ»лари ёрдамида олийгоҳга кириб устозини уялтирган вақтлар бўлди.

Ўқитувчи ўз севган касбидан совий бошлади, асаби дош бермай, бошқа ҳунар этагини тутишга мажбур бўлди.

Гоҳида ҳозиргача мактабларда ўқитувчиларнинг етишмаслигининг асл илдизи шу эмасмикин, — деб ўйлаб қоламан.

Хайриятки, истиқлол қуёши балқди. Юртбошимиз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ Ватан ва жамият тақдирини белгиловчи ва ҳал этувчи ёш авлод ҳамда унинг раҳнамоси — ўқитувчи тақдири ҳақида жон куйдирдилар.

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш мақсади олға сурилди, ўзимизнинг «Таълим тўғрисида» Қонунимиз, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури яратилди. Билим мезонини белгиловчи тест синови адолат тарозисига айланди. Ахлоқ-одоб ота-боболаримиз удуми, халқ педагогикаси асосида такомиллашиб бормоқда. Маъносиз «салом» сўзи ўрни яна тўлиқ мантиқли «Ассалому алайкум» (сизга тинчлик бўлсин) лутфи эгаллади. Билим кетидан энди ота-оналар эмас, ўғил-қизларнинг ўзлари югурадиган бўлдилар. Иқтидорли ўқувчи йўлида яшил чироқ порлади. Ҳатто тушига киришини орзу қила олмаган ишлар амалда ҳақиқатга айланди. Хоҳла — касб-ҳунар эгалла, хоҳла — олий маълумотли бўл, хоҳла — дунёнинг нариги чеккасида билим олиб қайт. Шарт битта - яхши ўқи, пухта билим ол!

Ўқитувчи учун тўсиб қўйилган сарҳадлар олиб ташланди. Бир хил қолип синдирилди, дилидагиси тилига чиқди. У энди оддий муаллим эмас, ижодкор-зиёкор, севимли мураббий, ота-оналарнинг энг яқин кишиси, доно маслаҳатгўйи. Шу сўзларни илҳом ва фахр билан маржондек терар эканман, бўлиб ўтган воқеа беихтиёр фикримни банд этди.

Видеотасмани томоша қилаётгандим. Унда ўртанча қизим Барнохоннинг пойтахтдаги 193-мактабда тўрт йил таълим-тарбия берган ўқувчиларининг битирув кечаси ўтказилиш жараёни тасвирга туширилган эди. Ўқитувчининг ижодкорлик билан ёндашиши асосида ўтказилган бу тадбир болаларнинг йиллар давомида олган билимлари, одоблари, маданиятларини яққол намоён этди. Тантана иштирокчилари — ота-оналар, педагоглар, меҳмонларнинг мамнунлиги уларнинг юз-кўзларидан сезилиб турар эди. Кеча якунида тажрибали моҳир педагог, мактаб раҳбари Мунира Алимованинг сўзларидан сўнг таърифга сиғмас ҳолат рўй берди. Янги ўқув йилидан бошлаб севимли устозисиз сабоқ олишларини англаган ўқувчилар анча дақиқагача йиғидан ўзларини тўхтата олмадилар. Бунга сабаб - уларнинг Барно опаси эди. Чунки у кўзидаги ёшини беихтиёр сездириб қўйганди. Томошабин сифатида мен ҳам ўзимни тута олмадим.

Хизмат бурчи юзасидан пойтахтдаги 1-педагогика билим юртида бўлганимда фикрим ташбиҳи юқоридаги хаёлим ташбиҳидан устун келди. Ушбу билим даргоҳига қачон борманг, доим саранжому саришта, ниҳоятда файзли, суврати билан сийрати ҳамоҳанг, сулув қизларнинг шарқона иффати, одоби намунали. Эгниларидаги бир хил либослари уларнинг фақатгина талаба ва тенг ҳуқуққа эга фуқаро эканликларидан далолат беради. Олган билимлари эса олийгоҳ

Ehtirom

талабалари билимидан қолишмайди, десам асло муболаға бўлмайди. Муаллимлар жамоасининг аҳиллигига, талабчанлигига, ўз касбига бўлган меҳри, ўзаро ва талабалар ўртасидаги самимий, мулойим муносабатларига энг юксак маданият соҳиблари сифатида баҳо берасиз. Бу жамоага доимо илҳом бериб турган шу билим юртининг собиқ талабаси, истеъдодли раҳбар, Мунавварxон Исмоиловага тасаннолар айтасиз.

Барчамиз кўплаб машҳур актёр, ёзувчи, олим, давлат арбобларининг юбилей тантаналари, ижодий ҳисобот кечаларида бўлганмиз, зангори экран орқали ҳавас билан томоша қилганмиз. Савол туғилади: нима учун юбилярларга илк марта қалам тутқазиб сабоқ берганларнинг юбилейлари ими-жимида ўтказилади? Ваҳоланки, камтарин устозларнинг шогирдлари бу юксак мартаба, шону шуҳратга ўзларидан ўзлари эришиб қолмаганлар-ку ахир. Буларнинг замирида ўқитувчининг машаққатли меҳнати ётмайдими? Асли бу тўй, юбилейга мана шу устоз биринчи навбатда ҳақли, давранинг энг тўри уники бўлиши керак. Бунинг ўрнига ота-оналар мураббийларга самимий миннатдорчилик изҳор қилсалар уни таъмагирликда айблайдилар. Азизлар, билиб қўйинг: муаллимлик касби сут билан киради жон билан чиқади. Маърифат учун ҳатто ўзининг шахсий моддий ҳиссасини қўшса-қўшадики, лекин маданий «тиламчи»лик қилмайди. Энг оғир шароитда ҳам иродасини букмайди. Касбига доғ теккизмайди. Бу масъулият билан айтилган ҳақ гап.

Бўзчи ўз бўзини тўқиши, тикувчи ўз либосини бичиши, деҳқон экини билан машғул бўлиши табиий ҳол бўлганидек, ўқитувчи ҳам танҳо ўз иши, таълим-тарбия билан шуғулланиши, бўш вақтини эса касбий малакасини оширишга сарф этмоғи даркор.

Ўқитувчи ва шифокор - эгизак касб эгалари. Улар ниҳоятда ҳушёр бўлмоқлари керак. Акс ҳолда ўзларидан бирлари жисмонан, бирлари эса руҳан мажруҳ инсонларни мерос қолдиришлари мумкин.

Бутун умрини маориф йўлига бахшида этган раҳматлик қиблагоҳим бир сўзни такрор-такрор айтар эдилар: «Мактаб фақат давлатнинг сиёсатигина бўлиб қолмай, балки унинг иқтисодиётини ҳам белгиловчи заминдир».

Одилона сўз. Яхши мактаб - жамият равнақининг калити бўлса, муаллим - ушбу масканга ҳаёт бахшида этгувчи беғубор қалбдир. Бу беғубор қалбни асраб-авайлаш, ардоқлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

**Шукур ДАДАШ**

Xullas...

### ЕМАГАН СОМСАГА ПУЛМИ?

Катта ва кенг асфальт йўл. Олдинда учиб кетаётган машина, кетида бошқаси. Биринчиси кетидан кимлар қувиб келаётганидан огоҳ, иккинчиси эса шахсий автомобилга эга оддий йўловчи.

Фельзна (Германия) шаҳарчасининг тоғ йўлларидаги бу машина пойгасига олдиндагиси нуқта қўйди. Рулдаги одам машинани тарк этиб, пастликка энди. Чакалакзорга ғойиб бўлди. Иккинчиси ҳайрон, машинасини тўхтатиб, аланг-жаланг атрофга қаради ва йўлни бўшатиш учун рулга ўтирди.

Зум ўтмай, бу ерда пайдо бўлган полициячилар уни ўраб олишди. Маълум бўлишича, бир неча соат муқаддам Германия-Франция чегарасидаги Форбах шаҳарчасидаги фуқарога тегишли бу машина ўғирланган. Ўғри қўлга тушишдан қўрқиб, қочиб қолган.

Полициячилар ҳалиги кишидан шубҳалана бошлашди. Ўз машинаси, ҳужжатлари борлигини исботлашга ҳарчанд уринмасин, ишонтиролмади.

Бегуноҳ ҳайдовчи емаган сомсага пул тўлаб, шўри қуриди.

Туллак машина ўғрисини эса бало ҳам урғани йўқ.

### «БОШОҒРИҚ»ДАН ҚОРИН ОҒРИҚҚА

Қайнонасиникига меҳмонга борган куёв болани роса сийлашди. Албатта, «яримта» билан ва меъёридан зиёд отгач, уйга қайтишнинг иложи бўлмай, тунаб қолди.

Тун ярмида шиpакайф меҳмон бошини кўтараолмай, кроватдан қулаб тушди. Бу не бахтки, кроват тагида ярим метрлик шиша идиш! Хумор қилса ёмон-да. Чироқ ёқишга ҳам ҳоли етмай, шишадаги суюқликни қултиллатиб ичди.

Зум ўтмай...

Идишдаги ароқ эмас, уй бекасига маош ўрнига берилган пашша-чивинларга қарши восита эди.

Куёв бола касалхонага келтирилиб, ошқозони зудлик билан «ювилди». «Бош оғриғим энди қорин оғриқ билан алмашди» дея илжайди меҳмон омон қолганига шукр қилиб.

### ЯНА «ҚАДРДОН» ГЎШАГА

Америкалик 42 ёшли аёл ўзининг «қадрдон» гўшаси — қамоқхонага қайтиб борадиган бўлди.

Дениз Томаснинг қизи у қамоқхонадан чиққунга қадар етимхонадан паноҳ топган. Колорада штати Округ судининг ўринбосари Робинсон жанобларининг таъкидлашига қараганда, у қизини топишга жон-жаҳди билан уринган ва ўз боласини бошқа ота-онага 13 минг долларга пуллаётган вақтда қўлга олинган. Полиция қинғир ишни қилишдан тап тортмайдиган аёлни оналик ҳуқуқидан, тўланган пулдан ва охирги имконияти — озодликдан ҳам маҳрум этди.

Боласини оқ ювиб, оқ тараган, вояга етказиб, уни ўзи билан бир бутун вужуд деб билган оналар қанчалик кўп бўлмасин, фарзандидан безган аёллар ҳам, афсуски, учрар экан.

Нима ҳам дейсиз, бу турфа оламда одамлар ҳам турфа хил...

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

### СИДНЕЙГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

**Миллий Олимпия Қўмитаси президенти С. Рўзиевга 2000 йил Сиднейда бўладиган Олимпия ўйинларида қатнашиш учун Сидней Олимпиадасининг расмий таклифномаси Миллий Олимпия Қўмитаси биносида Х.А. Самаранч топшириғига кўра, UPS фирмаси вакили томонидан топширилди.**

### СОВРИН 400000 ДОЛЛАР

**Англияда «Самсунг Супен» теннис турнири давом этмоқда. Мусобақаларнинг иккинчи ярим финалида чехиялик Стефан Кобек ва швециялик Томас Энквистлар ўртасидаги ҳал қилувчи 3-сет охирига етмай қолди. Бунга ноқулай об-ҳаво шароити сабаб бўлди.**

### УНВОННИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

**Қозоғистонлик боксчи Василий Жиров IBF таснифи бўйича 86 килограммгача вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини ҳимоя қилди. Лас-Вегасда бўлиб ўтган баҳсда В. Жиров канадалик Дейл-Брауни мағлуб этди.**

### «АНДИЖАНКА» ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

**Чирчиқда Марказий Осиё мамлакатлари аёллар жамоалари ўртасида чим устида хоккей бўйича учинчи тур ўйинлари якунланди. Барча учрашувларни ўз фойдасига ҳал қилган «Андижанка» жамоаси якка пешқадам бўлиб турибди. Сўнгги тур мусобақалари 11-17 октябрда ўтказилади.**

### ФИФА РЕЙТИНГИГА КЎРА

**терма жамоалар эгаллаб турган ўринларида кескин ўзгаришлар рўй берди. 2000 йилда Белгия ва Голландияда бўладиган Европа чемпионатининг финал босқичига чиқиш учун баҳслар кескинлашгани бунга сабаб бўлди. Осиё қитъасида эса, Ўзбекистон терма жамоаси 4 поғона юқорига кўтарилди.**

Jurnalning yangi sonida

# ДОИМИЙ КЎМАКДОШ




Журналнинг 3-сони ҳам ўқитувчиларга ўз олдиларидаги вазифаларини амалга оширишга ёрдам берувчи мақолалардан иборатдир. Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошевнинг «Фидойи ва ижодкор бўлайлик» мақоласида ҳозирги замон ўқитиш технологиясининг мазмун-моҳияти — мустақил мутолаа, ундан сўнгги баҳс-мунозара, шеърхонлик, ўқитувчи эмас, ўқувчининг фаоллиги, ўқитиш эмас, ўқишга ўргатиш – мисоллар орқали изоҳлаб берилган. Муаллиф 200-300 дан ортиқ шеър ёдлаган ўқувчиларга ҳавас қилиб, бу услубни республика бўйича ёйиш кераклигини таъкидлайди.

Асакалик ўқитувчи А. Мирзааҳмедов ҳам ўқувчи нутқини такомиллаштиришда бадиий адабиёт, ундаги тавзиъ, иштиқоқ, сажъ каби санъатларни ўргата боришнинг яхши натижа беришини айтиб ўтади.

Журналнинг «Методика» рукнида берилган «Назм ва наво» дарси, «Машварат дарс», «Адабиёт дарсларида тасаввуфга оид мавзуларни ўргатиш» каби мақолалар ўқувчиларда мумтоз адабиётга ҳавас уйғотиш ва ўқиган ғазалларни шарҳлай олиш қобилиятини шакллантириши билан аҳамиятлидир. Унда берилган мушоира, тест саволлари, Огаҳийнинг «Донойи олий шоҳлар» ғазали таҳлили, «Лисон ут-тайр» юзасидан ўқувчилар фикридан ўқитувчилар дарс жараёнида айнан фойдалана олишлари мумкин.

ТошДУ доценти Т. Эрназаровнинг «Объектли бирикмадан ҳосил бўлган туркий топонимлар» мақоласида «Кишибосди» (Шаҳрисабз), «Кункўрмас» (Сурхондарё), «Туятортар» (Қашқадарё), «Тангатопти» (Жиззах) каби топонимлар этимологиясига оид таҳлил ва лисоний хусусиятлар ўз аксини топган.

«Адабиётшунослик» рукнида БухДУ тадқиқотчиси Ҳилола Сафарованинг «Рабғузий ҳикоятлари – ноёб маънавий хазина» мақоласи берилган бўлиб, унда адибнинг етук маънавий-илоҳий арбоб, шариат ва тасаввуф нуктадони эканлиги, ундаги ибратли лавҳаларнинг баркамол инсон тарбиясида муҳим ўрни борлиги ҳикоятлар орқали таҳлил этиб берилган.

Шунингдек, «Амалий фойдаланиш учун» рукнида берилган О. Нуралиеванинг «Нафосат боғбони» (Чўлпон ижодига бағишланган кеча учун), Д. Рўзиеванинг «Ҳадисларда аёл тимсоли» («Аёл ва оила» мавзусида ўтказиладиган тадбир учун) сценарийлари синфдан ташқари машғулотларни ўтказишда қўл келади.

Г. Матназарованинг «Она тили» синов дарслиги асосида «5-синфда «Ихчам гап» мавзусини ўргатиш тажрибасидан» мақоласи янги дарслик бўйича дарс ўтаётган ўқитувчиларимизга йўлланма бера олади.

Журнал саҳифаларида ижодкор ўқитувчилар сурати, она тили терминлари асосидаги пайров билан ҳам танишишингиз мумкин.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**журнал бўлим муҳаррири**

# ЯНГИ ТЕННИС КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

*Шу кунларда Дэвис кубогининг жаҳон лигасига ўтиш турнири давом этмоқда. Тошкентдаги «Юнусобод» теннис мажмуасида Ўзбекистон — Чехия терма жамоалари ўртасидаги баҳслар қизғин давом этмоқда. Пойтахтнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида норасмий жаҳон биринчилиги «Дэвис кубоги» жаҳон лигасига ўтиш турнирининг қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Осиё теннис федерацияси президенти Инчи Каватей, бош ҳакам Ласло Ниро, Ўзбекистон — Чехия терма жамоалари вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.*

*Уч кун давом этадиган жами беш учрашувнинг умумий натижаларига кўра, ғолиб жамоа кейинги босқичга йўлланма олади. Якка ва жуфтликлар ўртасидаги мусобақалар 24-26 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.*

*Журналистлар билан мулоқот чоғида Чехия терма жамоаси тренери Ян Кукал Тошкентдаги теннис мажмуига юқори баҳо берди. Жамоа таркибида икки ўйинчи жаҳон таснифида дастлабки юзталикдан, 6 таси икки юзталикдан жой олганлиги бу мусобақага жиддий ёндашилганлигини билдиради, дея таъкидлади Ян Кукал.*

*Ўзбекистон терма жамоаси сардори Тимур Ғаниев ушбу учрашувларга яқинда бўлиб ўтган «Президент кубоги» халқаро теннис турнири жамоа учун яхшигина тайёргарлик вазифасини ўтаганлигини билдирди. Қуйида учрашувлар жадвали билан танишинг:*

***Биринчи куни***
*Ж. Новак – В. Куценко*
*Д. Вацек – О. Огородов*

***Иккинчи куни жуфтлик***
*Ж.Новак / О.Огородов*
*Д. Рикл / Д. Томашевич*

***Учинчи куни***
*Ж.Новак – О.Огородов*
*Д. Вацек – В. Куценко.*

Тошкент вилояти Уртачирчиқ туманидаги 28-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Нурлан Каримов номига берилган Q'R – A 387593 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Ҳусан НИШОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0727. Тиражи 24020.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди – 20.30